



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (12.698)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЮРТ МАДҲИНИ ТАРАННУМ ЭТИШДИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ягонасан, муқаддас ватан!» республика кўрик-танловининг олий таълим муассасалари ўртасидаги якуний босқичи ўтказилди.

Юртимизда ёшларнинг маънавий баркамоллигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган саноат-харажатлар замирида кўшма-чилик санъатини ривожлантириш, ушбу йўналишдаги кадрларни қадрлаш ва асраб-авайлашда миллий куй-кўшиқларимизни яратиш борасида эришилган ютуқларни тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи олий таълим муассасаларида факультетлараро ўтказилиб, унда 400 дан ортиқ жамоа таркибидан ўн икки мингдан зиёд талаба-ёшлар иштирок этди.

Танловнинг иккинчи босқичи Тошкент Автомобиль йўллар институтидида ташкил этилди. Унда 69 та жамоа таркибидан 3450 нафардан ортиқ ёшлар қатнашди. Якунда 14 та ғолиб жамоа аниқланиб учинчи босқичга йўланма олди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови жаннатмакон Ўзбекистонимизни улуглаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шайнинг ҳимоялаш, нуфузини янада юксалтириш, шу муқаддас юртга садоқат тимсоли сифатида мазмунан теран, савияси етук бўлган кўшиқларни яратишни рағбатлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади, — дейди Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази услубчиси, ташкилий кўмита котиби Бахтиёр Ғамбардиев.

Дарҳақиқат, ушбу танлов Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратиш борасида ёшларни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришга йўналтирилган бўлиб, бугунги кунда ўзининг самарали натижаларини бериб келмоқда. Танлов келажаги порлоқ ёшларимизнинг ўз иқтидорларини янада ошириш, излашлари ҳамда улкан чўққиларни забт этиб боришларида нурли бир доводдир.

— Танловда кўшиқлар матнининг оҳанги, ижро даражасининг мазмун-моҳиятига, куйнинг сўз билан ўзаро уйғунлигига асосий эътибор қаратилди, — дейди Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Абдухалил Маврулов. — Иштирокчи жамоаларнинг изланиш ва интилишлари, ғайрат ва шижоатлари, санъат соҳасидаги истеъдоди тахсинга сазовордир. Талабалар ижросидаги кўшиқлар, дилбар рақслар ва оҳанграбо куйлар дилга мадор, вуҷудга малҳам, онг ва тафаккуримизга эса руҳий бир озиқ бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
Аскар Ёқубов (ЎЗА)
олган сурат

ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ ОМИЛИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ижроия кўмитаси ҳамда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Партия марказий кенгаши ижроия кўмитаси раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу жамиятимизни тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлимоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, Президентимизнинг қарори мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш долзарб вазифалардандир.

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрамига бағишланган тадбирларда, учрашув ва суҳбатларда ЎзМТДПнинг асосий ғояси бўлган илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида кўлга киритилган

ютуқ ва марраларимизнинг муҳим омилларини очиб бериш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, ҳаётга татбиқ этилаётган қатор лойиҳалар ва тадбирларда истиқлол йилларида хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишларни кенг тарғиб қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Партия фаоллари томонидан мамлакатимизнинг энг чеҳра ҳудудлари ёшларини қамраб олган ҳолда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни сақлаш, миллатлар ва фуқаролараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш каби ғояларни ўзида мужассам этган «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни мужассам этган турли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

АМЕРИКА ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА «КАШФ ЭТИЛГАН»МИ?

АҚШда чоп этиладиган оммабоп, академик нашрлардан бири — «Science» («Фан») журналининг шу йил 20 июнь сониди Ричард Стоуннинг Абу Райҳон Беруний илмий асарлари ҳақидаги мақоласи босилиб чиқди. 130 минг обуначига эга ва интернет орқали 1 миллионгача ўқувчи фойдаланадиган мазкур нашрда ҳозирги замон олимларининг улуг алломанинг Европа ва Осиё қаторида бошқа бир қитъа мавжудлиги тўғрисидаги башоратига муносабатлари ҳусусида муфассал ҳикоя қилинади. Қуйида ушбу мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Қадимий қўлёзмаларда айтилишича, Ипак йўли ёқасида жойлашган мамлакатнинг қомусий олими дунёда номгалам китъалар мавжудлигини англаб етган.

Ҳали Уйғониш даври бошланмасдан анча олдин Ренессанс кишиси бўлган бу олим кўп асрлар илгари Марказий Осиёда таваллуд топган Абу Райҳон Беруний эди. У Ер айланасининг узунлигини ҳайратланарли тарзда аниқ ҳисоблаб чиққан, солиштирма оғирлик ҳамда модданинг сувга нисбатан зичлиги катталикларини кашф этган. Вақтнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ, деб ҳисоблайдиган креационизм таълимотини рад этган ва Коперникдан беш аср аввал Кўёш системасининг маркази Кўёш бўлиши мумкинлигини исботлаган. Машҳур аллома ўз кашфиётлари қаторига Американинг мавжудлиги ҳақидаги башоратни ҳам киритган.

Америка қитъасининг кашф этилиши борасида жуда кўп қарама-қарши, баҳсли фикрлар бор. Масалан, уни Беринг дентизи ёки Тинч океанини кесиб ўтган қадимий халқлар, тахминан мингинчи йилда Ньюфаундленд қирғоқларигача етиб борган норвегиялик дентизчилар, ё бўлмаса, XV аср тадқиқотчилари Христофор Колумб ва Жон Кабот топган, деган фаразлар мавжуд.

«Ўз ҳаётида ҳеч қачон океанни кўрмаган бўлса-да, Беруний ҳам «кашфиётчи тоғи»га муносиб, — деб қайд этди Вашингтондаги Ж. Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старр, бундан бир ой аввал Самарқандда бўлиб ўтган Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига бағишланган халқаро конференцияда. Унинг асосблари елканли ёғоч қайиқ ва бакуват, моҳир эшакчилардан иборат бўлган эмас, балки теран кузатувлар, йиғилган илмий маълумотлар ва қатъий мантиқ асосида у айни шундай хулосага келган».

Шунга қарамай, айрим экспертлар бу борада ҳамон шубҳа билдиришмоқда. «Ҳозирги пайтда ўрта аср олимларининг асарларидаги замонавий кашфиётлар тўғрисида жуда кўп янгиликларни ўқиш тенденцияга айланиб қолди», дейди Нидерландиядаги Утрехт университети Беруний мероси бўйича мутахассиси Ян Хогендийк. «Биз ахир Ерининг Кўёш атрофида айланишини Коперник «очган» деб, фақат унинг фаразларига асосланган ҳолда фикр юритмаймиз-ку», деб унга қўшилади Токиодаги Васэда университетининг тарихчи олими Натан Сидоли. «Шу боис, тушунмайман, нима учун энди Америка қитъасини Беруний «очган», дейишимиз керак?».

Лекин бошқа бир қатор олим ва мутахассислар Марказий осийлик ўрта аср олими ўз назарияси туфайли алоҳида эътиборга ва ҳурматга сазовор, деб ҳисоблайди. Масалан, Утрехт университети астрономия тарихи бўйича мутахассиси Роберт ван Гентнинг фикрича, «Агар Берунийнинг китобларида баён этилган муҳим илмий ғоялар тўғри талқин қилинган бўлса, демак уни Америка «кашфиётчилари» рўйхатидан чиқариш учун ҳеч қандай сабаб йўқ».

Абу Райҳон Беруний етти аср, яъни 800 йилдан 1500 йилгача давом этган «Шарқ Ренессанси» жараёнининг сарнамасида турган Марказий Осиё олимларининг ёрқин намоёндаларидан биридир. Уша давр алломалари юксак ақл-идрок соҳиблари бўлиб, илмий кашфиётлари алгебра ва геометриянинг асосий принциплари, алгоритм ва астролябия, замонавий медицинанинг асослари каби соҳаларни қамраб олган. «Улар ноёб иқтидорли буюк шахслар бўлган», дейди Ф. Старр. Айни вақтда америкалик олим бу мислсиз кашфиётларга Фарбда етарлича эътибор берилмаганини ҳам қайд этиб ўтади.

Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Европа маданиятлари тўташган чорраҳада яшаган Марказий Осиё халқлари савдо-сотиқ ишини мукамал эгаллашган, шу боис уларнинг аниқ фанларни чуқур билгани ҳайратланарли ҳол эмас эди. «Самарқандда болалар саккиз ёшданок математикани ўргана бошлаганига хитойликлар ҳайрон қолишган», деб таъкидлайди Ф. Старр.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятида Соғлом бола йилида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишида 400 истикболли лойиҳа амалга оширилиб, 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

● Бухоро муҳандислик-технология институтидида магистрларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда битирувчилар вилоят қорхона ва муассасаларидаги мавжуд бўш иш ўринларига тақлиф этилди.

● Жиззах вилояти Зомин туманида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг касб малакасини оширишга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Семинарда маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, фонднинг вилоят, шаҳар ва туман бўлим ва бўлинмалари раҳбарлари, маъсул ходимлари иштирок этди.

● Нукус шаҳрида «Футболмиз келажиги» анъанавий турнирининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Касаба уюшмалари бирлашмиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада 12 футбол жамоаси ғолиблик учун баҳслашди.

● Термиз Археология музейида «Устоз-шогирд ижодида ранглар жилоси» номли кўргазма очилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида уюштирилган кўргазмада Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Холбой Ҳасанов ва ёш расом Азиза Расулованинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Американинг Ньюарк шаҳрида авиарейсини амалга ошираётган, бортида 313 йўловчи бўлган Ҳиндистоннинг Air India компаниясига қарашли йўловчи самолёти ҳавода қушлар галаси билан тўқнашиб кетганлиги боис беҳавотир тарзда шошилинч ерга қўнишга муваффақ бўлди.

● Хитойлик мутахассислар томонидан нефть маҳсулотлари, хусусан, газ қуйиш учун мўлжалланган, портлашга қарши ҳимояланган, экологик станцияга оид ишланма кашф этилди. Ишланмада ёқилғи системасининг ички камерасига портлашга бардош берувчи материалнинг солиниши кўзда тутилган. Мазкур материал кўп қатламли, юқори даражали пўкакли пағасимон бўлиб, унинг элементи ҳимояловчи темир тўр билан қопланади ва у цистерна ичидаги модда учун хавфли бўлган парчаларни унга тегишидан самарали ҳимоя қилади.

● «Кристи» аукционидида янги рекорд ўрнатилди. Яъни яқинда ўтказилган кимошди савдосида тўрт нафар расом — Питер Дойг, Жан Дюбуффе, Микеланжело Пистолетто ва Трейси Эмин асарлари рекорд даражада баланд нархларда — 9,9 миллион, 4 миллион, 2,3 миллион ва 2,5 миллион фунт стерлингга сотилди.

